O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. № 181200




# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÓZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

● 3 ноябр, №45(3583) ●


## БАРҲАЁТЛИК

Ўзбек театр санъати довруғини оламга ёйган буюк актёр Аброр Ҳидоятов ҳаёт бўлганида шу кунларда юз ёшга тўлган бўларди. Шу муносабат билан эндиликда улуғ санъаткор номи билан аталаётган, бир вақтлар Аброр Ҳидоятов саҳнасида ўнлаб бетакрор образлар яратган театр (аввалги «Ҳамза» театри) биносида катта тантана бўлди. Пойтахт жамоатчилиги вакиллари ва улуғ актёр мухлислари йиғилган тантана бошланишидан аввал театр биносига кираверишда Аброр Ҳидоятов хотирасига бағишланган ёдгорлик лавҳаси очилди. Шу маросимда сўзга чиққанлар Президентимиз Ислом Каримов Фармони билан Аброр Ҳидоятов сингари ўзбек миллий санъати тараққиётига катта ҳисса қўшган барҳаёт сиймоларга «Буюк хизматлари учун» ордени берилгани халқимизнинг етук санъаткорлар хотирасини улуғлаш йўлидаги эътирофи эканлигини таъкидладилар.

Хотира кечаси улуғ актёримизга бўлган бемисл эҳтиром рамзи сифатида ажойиб бир спектакл тарзида тайёрланганлиги мухлислар олқишига сазовор бўлди. Дастлаб саҳнада Аброр Ҳидоятов ижро этган роллар, яратган бетакрор образларнинг партнёрлари бўлмиш гўзал қаҳрамон аёллар ишқ илоҳалари тимсолида намоён бўлдилар. Улар Гули бўлиб Алишерини, Дездемона бўлиб Отеллосини излар, шарафлар, буюк санъаткорнинг инсоний қалби ҳақида ҳаяжон билан сўзлардилар.

Тантанали кечада «Ўзбекнаво» ва «Ўзбектеатр» ижодий бирлашмалари, Санъат институти талабалари, Навоий номидаги академик Катта театр жамоаси, хушовоз хонанда Муножот Йўлчиева, машҳур раққоса Галия Измайлова ўз санъатлари билан барҳаёт актёр руҳини шод этдилар. Пойтахт театрларининг истеъдодли актёрлари Аброр Ҳидоятов ижро этган саҳна асарларидан лавҳа намойиш этдилар.

Аброр Ҳидоятовнинг юз йиллигига бағишланган тантанали кечада Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев сўзга чиқди.

## «ТАВОВИС» ЖОЗИБАСИ

*Учрашув*

Тошкент давлат консерваториясининг кичик залида «»Таровис» ансамбли томонидан ижро этилган «Чапандози баёт»ни томошабинлар олқишлар билан кутиб олишди. Бу «Тавовис»нинг тақдимот концерти дебочаси эди. Сўнгра галма-гал дастурдаги асарлар ижро этилди. Концерт ниҳоясида устоз Турғун Алиматов ёш ансамблдаги йигит-қизларга оқ фотиҳа берди.

Ансамбл номи арабчадан олинган, «товуслар» маъносини англатади. Ижрочилар консерваторияда таҳсил олаётган ва бу ерни битириб чиққан ёшлардан иборат. Бадиий раҳбар — Роза Ҳайдарова, мусиқа раҳбари эса Сирожиддин Усмонов. Яккахон хонандалар, созандалар барчаси республика танловлари совриндорлари ҳамда қатнашчиларидир.

Ёшлар орасида миллий мусиқамизга бўлган қизиқиш бироз сусайган пайтда «Тавовис» ансамблининг чиқиши таҳсинга лойиқдир.

**Одилжон КОМИЛОВ**



## ЁШЛИК БЕБОШЛИК ЭМАС!

**Ота-оналар, мураббийлар, ёшлар тарбияси мутасаддилари ҳамда жамоатчилик эътиборига.**

Кеча автобусда кетаётиб, бекатда тушиш олдидан беихтиёр ғалати бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Мактаб ёшидаги икки ўсмир қиз, эҳтимол улар юқори синф ўқувчиси ёки бирор касб-ҳунар коллежи талабаларидир — бекатда тушишга чоғлангандек бўлиб туришарди. Шу тоб автобуснинг дераза тарафдаги майдончасида қизлар билан ёнма-ён турган тўрт-бешта ўсмир болаларнинг оғзидан чиқаётган сўзларни эшитиб, ҳайрат бармоғимни тишлаб қолдим.

— Тушиб нима қиласизлар, гап отишиб кетардик, — дейди бири. Бошқалари унга жўр бўлишиб, ҳиринглаб кулишади.

— Энди бу ёқда говдали-говдали болалар бор, — дейди бошқаси. Тағин гурр кулги кўтарилади.

— Э, қўйсангчи, лилипутлар ҳам йўғ эмас...

Яна ҳиринг-ҳиринг кулги.

— Микромужик дегин, — дейди бошқа бир олифтароғи. Яна тийиқсиз, нима деб валдираётгани, кимни масхаралаб ва нима учун хунукдан-хунук вайсақилик қилаётганини зарра тушунмайдиган, тушунишни хаёлига ҳам келтирмаётган талаба ёшдаги болалар... Майнавозчилик тобора авжга чиқарди:

— Тағин чўнтагида бир мири йўғ экан, деманглар...

— Кўкидан бор!

Ҳиринг-ҳиринг, тийиқсиз, мантиқсиз хохолашлар...

Бу воқеа атиги бир-икки дақиқа ичида бўлиб ўтди. Тушишга чоғланаётган, бу ёқимсиз гап-сўзлар моҳиятини дарров илғаб ололмаган одамлар уларга дашном беришга ҳам улгурмади — автобус бекатга келиб тўхтади. Фақат қизлардан бири ўзича ўхшатиброқ жавоб беришга ҳаракат қилди ва тушаётиб, эшитилар-эшитилмас:

— Пулингга ўзингни «ўқитиб» ол,- дея олди холос.

*Сиз нима дейсиз?*

Бекатда тушдиму ўзимни койидим: нега ўша болаларга бир оғиз дашном бермадим. "Ахир, булар ўзларингнинг сингилларинг-ку, уятсизлар!" дея тартибга чақирмадинг. Ўз ташвишинг билан бўлиб, болаларни иккинчи бундай қилмаслик кераклигига ишонтирмадинг. Уларнинг иззат-нафсини кўзғовчи бир-икки оғиз сўз айтмадинг, дея роса виждоним қийналди. Ишхонага кела-келгунча шу ҳақда ўйладим. Ўйладиму аксариятимиз шундай лоқайд бўлиб бораётганимизни баногоҳ англаб қолдим. Лоқайд бўлиб қолаётганимиз сайин болаларимиз, ҳа, ҳа, уйимиздаги болаларимиз кўчага чиқиб, мана шундай «қаҳрамонлик» кўрсата бошлаганини сезмай ҳам қолаяпмиз.

Ахир, ўша қизлар болалардан бирининг ё синглиси ёки опаси тенги эди. Уйида улар ўз жигарбандларига бундай муомала қилмайдилар-ку! Нега улар кўчага чиққанда, жамоатчилик орасида ўзларини тута олмайдилар, бу қадар безбет, ҳаёсиз бўлиб қоладилар?! Нега битта-ярим тарбияси бузуқ, соғлом оила муҳитини кўрмаган кимсанинг оғзига уриш ўрнига унга қўшилиб, ҳиринглашни ўзига ор билмайди?!

Хўш, бундай ориятсиз ўсмирлар қайси муҳитда ўсаяпти? Ўйлаб, ўйингнинг охирига етолмайсан. Наҳотки, менинг ўғилларим ҳам автобусга чиққанда ёки кўчада дўстлари билан қизларга шунақа «тегажоқлик» қилишни эп кўрган, бемаза гапларни гапирган дўсти ёки ҳамкурсига дашном бермай, тиржайиб тураверса... Ҳа, болаларимиз уйдагина кўзимизга беозор, тартибли бўлиб кўринишади. Тўй-томошаларда дўстлари билан чой ташиб, ош узатиб қарашиб юборишади. Бироқ кўчада ўзини қандай тутади — буни мен ҳозирча билмайман. Айниқса, куни кеча ўз кўзим билан кўрган манзарадан кейин уларнинг анчайин сипо кўринганига ишонмай қолдим-ов...

Оддийгина ор-номус, қизларга муомала, жамоатчилик орасида ўзини тутиш каби масалаларда бу қадар хунук «ҳунар» кўрсатаётган болаларимизда Ватан туйғуси, миллат ғурури нечоғлик эканини ўйласам кўнглим орқага тортиб кетади. Улардан, зарур бўлган тақдирда, Ватанни, элини, ота-онасини ҳимоя этишга қодир фарзандлар чиқармикан?! Биз бундай авлодни қачон, кимларнинг сафидан тарбиялаб етиштирамиз?

Ота-оналар, мактаб, ёшларнинг барча мутасаддилари — бутун жамоатчилик шу ҳақда нафақат жиддий ўйлашимиз, балки ташвишга тушишимиз керакка ўхшайди. Ёшларнинг онгини нималар банд этмоқда? Эҳтимол, уларнинг шуурини уззукун ойнаи жаҳон орқали берилиб турган (мен бу ўринда турли хорижий дастурлар, кабелли ТВ, ликопчали ТВ ва ўзимизнинг алоҳида бир тижорат каналларимизни назарда тутмоқдаман) — бемаза, ножоиз аҳлоқни тарғиб этадиган филмлар, улардаги инсониятни жар ёқасига етакловчи, мафкуравий агрессияларга хизмат қилувчи тўқликка шўхлик қабилидаги кўрсатувлар эгаллаб олаётгандир. Асрий қадриятларимиз, миллий меросимиз, аждодлар тажрибасига қурилган тарбия воситаларини мана шу нохуш таъсирлар тўсиб қолмаяптимикан? Ҳа, бундай ахборот тарзидаги агрессиялар маънавий қадриятларимиз ёшлар онгида чуқур илдиз отишига монелик қилаётгани сир эмас. Бу катта маънавий йўқотиш, улуғ эътиқодларни бой бериш-ку, аслида.

Тўғриси, бугунги ёшларимизнинг дуркун қадди-қоматлари, хушбичим ва чиройли кийинишлари кўзни қувонтиради. Бироқ қалби, ички дунёси-чи? Ёшларимиз жисмонан соғлом ва баркамол бўлганлари ҳолда қалбан, маънан ногирон бўлиб қолмасликлари керак. Улар ўссин, вояга етсин, ва албатта, маънан баркамол ҳам бўлсин. Агар шунга эришмасак — ўсиб келаётган ёш авлодни бачкана одатлар исканжасидан халос этолмасак, миллий ахлоқимизга ёт маънавий тўфонлар домидан сақлаб қололмасак, бизни келажак кечирмайди.

Балки айрим ёшларнинг суйилиб кетишига фақат Ғарбнинг ёт ахлоқни тарғиб этувчи филмларигина эмас, ўзимизнинг ойнаи жаҳонда ва турфа янги радио каналларимиз орқали уззукун эшиттирилаётган саёз, маза-матрасиз қўшиқлар, қўшиқ қабилидаги алжирашлар сабаб бўлаётгандир? Ёхуд болалаб кетаётган "куйловчи ёшлар" қўшиқларидаги бедард, беҳаё талқинлар сабабидир?!

Ҳали ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотимаган ғўр болаларимизни ёт таъсирлардан ким асрайди? Шу чоққача «Камолот» жамғармаси, унинг сафларидаги қанчадан-қанча ёшлар мутасаддилари, фаоллари нима билан шуғулланиб келишганини, очиғи, сезганимиз йўқ. Наҳотки, бу жараёнларни кўра-била туриб, эътиборсиз қўл қовуштириб ўтираверишган улар. Кимдир яқинда бу жараённи бир тўфон дея баҳолади. Хўш, бу тўфонни қайтаришга, унинг ёшларимиз ахлоқини ўз домига тортиб, ғарқ этиб юборишига йўл қўймаслик ўрнига, унинг олдига тушиб чопсак, шу тўғрими?

Мен бу нохуш жараённи бугунги ёшлар онгида, уларнинг қилаётган хатти-ҳаракатларида кўриб, ташвишга тушаётган бир оддий қаламкаш сифатида жамоатчиликка мурожаат қиламан: Биродарлар, маънавиятимизга, турмуш тарзимизга ёт унсурлардан фарзандларимизни, минг йиллик беғубор қадриятларимизни асраш учун жон куйдирайлик! Қўлимиздан нима келса аямайлик, ўша автобусдаги мен ва бошқа йўловчилар сингари лоқайд кузатувчи бўлиб қолмайлик!

Сиз нима дейсиз, азиз муштарийлар?

**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

## ҲАВАСНИ ОҚЛАШ КЕРАК

### Замонга ҳавас қиламан

Замоннинг болалари, ёшларига ҳавас қиламан. Менинг болалигим...

Менда болаликнинг ўзи бўлмаган. Мен тенги «уруш болалари» ҳам ўзи тўғрисида шундай деса, эҳтимол. Қиш, аёз(нима учундир фақат совуқ эсда қолган), уй совуқ, мактаб совуқ, кечалари сандалда жон сақлаймиз. Ўйинчоқ, мултфильм деган нарсалар ҳатто тушга ҳам кирмаган.

Сал суяк қотганидан кейин меҳнат — оғир, кишига завқ берадиган эмас, машаққатли, майиб қиладиган меҳнат. «Пахтазорда лой кечиб, сув кечиб катта бўлганимни эсга оламан...» Устоз Асқад Мухторнинг бу сатрлари ҳам кўп нарсани айтиб турган бўлса керак.

Бизнинг қишлоққа электр 1968 йили келган, десам кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Чунки БУГУН, БУГУННИНГ ТАСАВВУРИ билан яшаяпмиз.

Ҳозирги болалар эса...

Худога шукр, шундай кунларга етиб келдик. Болалар туғилган онидан бошлаб нафақат ота-она, шифокорлар тарбиясида, балки давлат назоратида ҳам бўлади. Бу — улуғ бахт. Шу бахтдан тўла баҳраманд бўлиш, яъни ўзини, истеъдодини тўла намоён қилиш имконияти мавжуд.

Шунинг учун ҳавас қиламан. Болаларга, ёшларга.

Ўқийсанми, марҳамат, ўқи! Қаерда — юртдами, хориждами, марҳамат, имконият яратиб берилади. Ишлайсанми, марҳамат, ишла. Ҳозир меҳнатнинг тури шунақа кўпки...

Ўзбекистонда таъсис этилган биринчи орден «Соғлом авлод учун» деб аталади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки мустақил Ўзбекистонимизнинг янги асрдаги равнақи айнан мана шу авлодга, унинг салоҳиятига боғлиқ.

(Давоми 2-бетда.)

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**

*Севимли газетангиз* **«Ўзбекистон адабиёти ва санъати»**га 2001 йил учун обуна давом этмоқда.

Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичи — **00222.**

Ташкилотлар учун нашр кўрсаткичи — **00223.**

*Обунани мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқ жойларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш тармоқлари орқали расмийлаштиришингиз мумкин.*

**ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!**

*Кутлов*

## УЧ МАМЛАКАТ КУЙЧИСИ

Оз эмас, кўп эмас, нақ ўттиз йилдан буён ўзбек матбуотида Қамар Райис номи такрорланади. Фаолиятини асли ўқитувчиликдан бошлаган бўлишига қарамай, Қамар Райис жаноблари учун бу касб шунчаки баҳонадек эди. Мақсад ҳинд ва ўзбек халқлари ўртасидаги асрий дўстликни янада барқарору бардавом этиш. Буни амалга ошириш эса фақат ишлаш, тер тўкишни талаб қиларди, холос.

Ҳиндистон, Покистон, Ўзбекистон — уч буюк мамлакатнинг маданий ва ижтимоий ҳаёти жаноб Қамар Райис ижодий фаолиятининг таянчлари, сарчашмасидир. Ҳиндистон мавзуидаги асарларида она-Ватанга бўлган муқаддас туйғу жўш урса, Покистон мавзуи ижодкор қалбини турфа ҳисларга чулғайди, Ўзбекистон мавзуи эса унинг шоирона хаёлотини янги уфқлар, янги самолар парвозига ундайди. Уч мамлакат элининг қувончу дардларига шерик бўлиб яшаш учун кенг, ёлқинли юрак керак.

1962 йили Тошкентга оддий ўқитувчи бўлиб келган Қамар оға Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонасига қарашли Ҳинд маданият марказининг директори даражасигача ўсди. Яқинда бу халқаро жамоат арбобининг ҳаётида яна бир қувончли воқеа рўй берди — Ҳиндистон ҳукуматининг қарори билан у мамлакатнинг адабиёт соҳасидаги энг йирик «Мирзо Ғолиб» мукофотига сазовор деб топилди. Бир вақтлар «қанча шеър ёзмай, барибир Мирзо Ғолиб бўлолмайман-ку» деб ўкинган шоирнинг армони Мирзо Ғолибнинг ота юрти Ўзбекистонда ушалди. Бошқача айтганда, Мирзо Ғолибнинг руҳи уни қўллади.

Азиз ва қадрдон Қамар Райис жаноблари! Ижодкорларимиз номидан Сизни бу олий мукофот билан муборакбод этамиз! Кўксингизни янги-янги унвону мукофотлар безайверсин!

**Агарчи ҳинд боғида болдан ширин самарсиз,**
**Ўзбекнинг осмонига хўп ярашган Қамарсиз.**

**Сувратда Юсуф янглиғ, сийратда Мажнун сифат,**
**Зулайхою Лайлолар ишқидан бахраварсиз.**

**Саргашта руҳ шод ўлғай яхши аъмолингиздан,**
**Армонда кетган ўшал жисмимга жон қадарсиз.**[1]

**Мулки ҳинд ғуборини кўзга сургаймен, Амир,**
**Чашми гирёнима нур берган соҳибназарсиз.**

**Амир ФАЙЗУЛЛА**

[1] *Бобокалонимиз Бобур Мирзо назарда тутилмоқда.*

*Акс-садо*

## МАШҲУР БЎЛИШГА ШОШИЛМАНГ

Рустам Мусурмоннинг «Ўйламай куйлаган...»(«ЎзАС», 13 октябр сони) мақоласи эълон қилингандан сўнг куюнчак газетхонларимиздан қўшиқчилигимиз муаммолари хусусида кўплаб хатлар олдик. Савиясиз, маза-матрасиз қўшиқларнинг урчиб бораётгани ташвишланарли ҳол, албатта.

«Адабиёт ва санъатнинг ўзига хос тартиб, қоидалари бор, — деб ёзади ўз мактубида Камолиддин Мингбоев. — Ҳар қандай асар яратилгандан сўнг у хоҳ кичик хабар бўладими ёки қиссаю роман бўладими, энг аввало, таҳририят муҳаррирининг қўлидан ўтади. Муҳаррир асарни ўқиб, таҳрирга муҳтож бўлса, албатта, таҳрир қилади. Эфирга чиқаётган қўшиқларнинг масъулияти кимнинг зиммасида? Ёки эшиттириш бошида ё сўнггида «мусиқа муҳаррири» деб шунчаки расмиятчилик учун айтиладими? Мана бу каби қўшиқлар пайдо бўлаётгани-чи, уларни қандай тушуниш мумкин?

**Эрка қизим,**
**Тилла қизим,**
**Новвот қизим,**
**Асал қизим,**
**Шакар қизим...**

Наҳотки, шу оддий сўзлар тизилмаси қўшиқ деб аталса?!»

Газетхоннинг куюнганича бор. Ҳар куни қайта-қайта янграётган бундай «қўшиқ»лар аста-секин ҳар биримизнинг қулоғимизга, онг-шууримизга сингиб бориши ҳеч кимга сир эмас. Тингловчи эса шу «қўшиқ»дан таъсирланиб, бора-бора хиргойи қила бошлайди, яъни Яҳё Тоға айтмоқчи жўн «замонавий хиргойилар»га ўрганиб, одатланиб қолади.

«Қўшиқларимизда «lets go»? «Come on» деган бегона сўзлар учраб қолмоқда, — деб ёзади газетхон Маҳбуба Темурова. — Ўзбекча, русча, инглизча сўзлар аралашиб кетганидан айрим қўшиқларнинг тилига ҳам тушуниб бўлмай қолди. Масалан, «Дадо» гуруҳининг бир эмас, бир неччта қўшиғида бундай ҳолни кузатиш мумкин. Яна бир ёқимсиз ҳолат — унинг қўшиқларида нақоратнинг ҳаддан ташқари кўп такрорланишидир. Бир сўзни юз марта қайтараверганидан қўшиқни эшитгинг ҳам келмай, безиб қоласан».

Бу зерикарли такрорлардан хонанданинг муддаоси нима экан? Бу савол билан ёш хонандаларга мурожаат қилганимизда, улар: «Нақоратнинг кўп такрорланиши — қўшиқнинг оммавийлашиб боришига сабаб бўлади ва шу баҳонада қўшиқчи ҳам кенг оммага танилиб бориши мумкин», деб жавоб беришди. Ҳа, хонанда ўзининг сийқаси чиқиб кетган «хиргойиси» билан машҳурлик чўққисига чиқмоқчи. Бундай ҳол қўшиқ-чилик санъатига хилоф эмасми? Балки ёш хонандаларнинг қўшиқлари мусиқа муҳаррири назаридан ўтказилганда ва муҳаррир ўша хонандаларга тўғри йўл-йўриқ кўрсатиб, маслаҳатлар берганда бундай ортиқча «ҳузурлар»га тушиб ўтирмасмидик.

«Қўшиқни томошабинга етказишдаги энг қулай восита — бу видеоклип, — деб ўз мактубини давом эттиради М.Темурова. — Клипсиз қўшиқни жиҳозланмаган уйга ўхшатиш мумкин. Лекин, афсуски, видеоклипларимизнинг аксарияти бир қолипда. Уларда асосан хонанда йигитлар чиройли қизлар билан машҳур ресторан, кафеларда юришиб, ҳашаматли чет эл машиналарию уяли телефонларини «реклама» қилишади. Айрим аёл хонандалар эса санъатини эмас, балки қўша-қўша тақинчоқларию қимматбаҳо кийимларини намойиш қилгани суратга тушгандай таассурот қолдиришади».

Назаримизда, ҳар қандай ҳолда ҳам биз ўзлигимизни, ота-боболаримиз кимлигини унутмаслигимиз керак. Биз ўз кийимимиз, ўз тилимиз, ўз қўшиғимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Ниятимиз, хонандаларимиз, мусиқачиларимиз, қолаверса, шоирларимиз шундай қўшиқлар яратишсинки, бу қўшиқлар миллат ифтихори бўлиб янграсин!

**Адиба ҲАМРО қизи**

## ТИЛИНГИЗНИ ҲАККА ЧЎҚИГАНМИ?

Мамлакатимизда телефон алоқаси кундан кунга ривожланиб бормоқда. Кейинги йилларда кўплаб янги автомат-телефон станциялари ишга туширилди. Яқин-яқингача ўяли алоқа телефонларини чет эл киноларида кўриб, ҳавас қилардик. Бугун мамлакатимизнинг кўплаб фуқаролари бундай телефондан фойдаланмоқда. Албатта, телефон тармоқларининг кенгайиши хизмат кўрсатиш савиясининг ошишини ҳам тақозо этади. Илгари 09 га бир соат телефон қилиб, зўрға бирор маълумот олиш мумкин эди. Ҳозир рақамни теришингиз билан гўшакдан фалон рақамли маълумот бюроси эшитади, деган овоз келади. Бундан ташқари, бирор сабаб билан ишламай қолган телефон рақамини терсангиз автоматик тарзда ўша телефон нима сабабдан ишламаётгани айтилади. Бир тилда эмас, бирйўла уч — ўзбек, рус ва инглиз тилларида жаранглайди бу жавоб. Демак, сервиз ҳам кундан кунга яхшиланиб бораяпти. Аммо телефон хизматидаги бир камчилик кишининг ғашини келтиради. Жавоб берувчи автомат негадир ўзбек тилидаги жавобларни доимо русча талаффуз билан гапиради.

Куни кеча ЎзРФА Биология институтига қўнғироқ қилдим ва қуйидаги жавобни эшитдим:

*Куюнчак газетхон ёзади*

«Бу телефон билан вактинча богланиш мумкин эмас». Худди шунингдек, ўчириб қўйилган ёки хизмат доирасидан ташқаридаги уяли телефонларга қўнғироқ қилсангиз ҳам тилини ҳакка чўқиган «Телефон учирилган ёки хизмат доирасидан ташкарида», деган жавобини эшитасиз.

Собиқ иттифоқ даврида тилимизга бундай беписанд муносабатга чидаб келдик. Чунки тил ҳақида гап очиш, менинг тилимни ҳам ҳурмат қил, дейиш миллатчилик ҳисобланарди. Наҳотки, жавоб берувчи автомат-телефонга соф ўзбек тилида «Бу телефон билан вақтинча боғланиб бўлмайди. Бунинг учун сиздан узр сўраймиз», деб ёзиб қўйиш қийин? Қачонгача тилимизга беписандликка йўл қўйиб берамиз?

**Б.ЭГАМҚУЛОВ**

**БУГУНГИ СОНДА:**


Халқ қаҳридан қочиб бўлмайди 2

3 Зайнаб образининг сиру синоатлари


## КИНОЧИЛАР УЙИДА

Халқимизнинг севимли санъаткорлари Шукур Бурҳонов, Олим Хўжаев ва Сойиб Хўжаев таваллудининг 90 йиллигига бағишланган илмий конференция бўлиб ўтди. Анжуманни «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раиси Темурмалик Юнусов очди. Профессорлар — Жўра Тешабоев, Ҳамидулла Акбаров, Лола Хўжаева ва киношунос Ханжара Абулқосимованинг улуғ санъаткорларимиз ҳаёти ва ижодига бағишланган маърузалари тингланди. Сўзга чиққанлар атоқли санъаткорларнинг кино ва театрда ижро этган образлари бетакрорлигини таъкидлашиб, уларнинг ўзбек санъати ривожига қўшган ҳиссалари ҳақида тўлқинланиб гапирдилар. Ўша куни кечқурун актёрларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган хотира кечаси ҳам ўтказилди.

**Ҳ.ТОШКЕНБОЕВ**

## ХАЛҚ ИЖОДИЁТИГА БИР НАЗАР

А.Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида «Мустақиллик ва халқ ижодиёти масалаларига янгича қараш, унинг назарий ва амалий жиҳатлари» мавзуида илмий-назарий анжуман бўлди. Унда филология фанлари докторлари Б.Саримсоқов, Ғ.Жалолов, М.Муродов маъруза қилдилар. Профессорлар С.Мирвалиев, Э.Йўлдошев сўзга чиқиб, муҳокама қилинаётган масалада ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Санъатшунос Р.Абдуллаевнинг мусиқий фолклорни турли ижро муқобилларида амалий намойиш қилгани иштирокчиларда яхши таассурот қолдирди.

